“ Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар
Академияси Геномика ва
Биоинформатика маркази
директори
_____________ б.ф.д З.Т.Буриев

# ГЕНОМИКА ВА БИОИНФАРМАТИКА МАРКАЗИГА ҚАРАШЛИ МАХСУС УРУҒЧИЛИК ХЎЖАЛИГИДА 10 СОТИХ ИССИҚХОНА ҚУРИШ БЎЙИЧА

# ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ХУЖЖАТИ

**Ўзбекистан Республикаси Фанлар Академяси**
**Геномика биоинфарматика маркази энг**
**яхши таклифларни танлаш эълон килади.**

**Хизмат номи:** Геномика ва Биoнфарматика Марказига карашли Махсус Уруғчилик хўжалигида 10 сотих иссиқхона куриш бўйича.

**Танлашни утказиш шакли:** Электрон шаклда.

**Шартноманинг бошлантич бахоси: 457 475 743** (Тўрт юз эллик етти миллион тўрт юз етмиш минг етти юз кирк уч минг) сўм

**Тайлов хужжатларини қабул киладиган хамда тайлов ўтказиладиган манзил: https://etender.uzex.uz/**

**Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал килган холда танловда иштирок этишлари мумкин:**

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг хамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун конуний хукукка эгалик;
- соликлар ва бошка мажбурий туловларни тулаш буйича карздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.
- Камида 3 бажарилган иш хужжатларини такдим этиш.

**Танлов иштирокчиларига танлаш буйича харид килиш қоидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс: Хўжалик бошкарув бўлими бошлиғи:** Исабаев Абдулла Ботирович. тел.:33 405-17-17.

**Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:** Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 7 календар куни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

**Буюртмачининг юридик манзили:** Тошкент вилояти Қибрай тумани Унверситет кўчаси 2

**Танлов хужжатларини расмийлаштириш талаби:**

- танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга хакли;
- танлов хужжатларида тузатишларга (матн, суз ва рақамларни бўяш) йўл қўйилмайди. Агарда хужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлов хужжати комиссия томонидан четлаштирилади;

- таналш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг хакикийлиги ва тўгрилиги учун жавобгар бўлади.

**Танловга тақдим этиладиган хужжатлар:**

- тижорат таклифи
- танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қуймаслик бўйича ариза.
- соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги хакида маълумотнома;
-инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги тўгрисида маълумотнома;
- ташкилотнинг рўйхатга олинганлик гувохнома нусхаси (ташкилот рахбари томонидан мухр ва имзо билан тасдикланган булиши лозим);

- **Камида 3 бажарилган иш хужжатларини тақдим этиш. (Шартнома нусхаси ва далолатнома нусхаси);**

## ТЕХНИК ТОПШИРИК

### 1. Кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва кўлами.

1.1. Геномика ва Биофарматика Марказига қарашли Махсус Уруғчилик хўжалигида 10 сотих иссиқхона куриш бўйича. (Иссик хона қурилиш) холатида саклаш учун режалаштирилган профилактика характеридаги ташкилий-техник тадбирлар мажмуасидир.

1.2. Геномика ва Биофарматика Марказига қарашли Махсус Уруғчилик хўжалигида 10 сотих иссикхона куриш бўйича ички қисми ва ташки қисмлари хамда иситиш тизимлари,томчилатиб суғориш тизими, сув пуркашлари сметада кўрсатилган бўлиши лозим. 10 сотих иссиқ хона қурилиши ва техник хизмат кўрсатиш таъмирлаш харажатларини хисоблаш учун смета келтирилган.

1.3. "Пудратчи" 10 сотих иссиқ хона қурилиши ва техник хизмат кўрсатиш таъмирлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1.3.1. Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари "Пудратчи" томонидан Шартнома амал қилиш муддати давомида камида бир ойда 1 маротаба иловада кўрсатилган рўйхатга мувофик амалга оширилади. Агарда 10 сотих иссиқхона қуриш "Пудратчи" техник холати хавфсиз самарали ишлашини таъминлай олмайдиган ва таъмирлашни талаб киладиган жихозлар аникласа, Пудратчи бундай жихоз ва ускунанинг хар бир бирлиги учун Буюртмачи билан биргаликда "Нуксон

далолатномаси"ни тузади. Мазкур далолатнома таъмирлаш учун асос бўлади.

1.3.2. "Нуксон далолатномаси"да курсатилган табиий эскириш туфайли яроксиз холга келган. асосий кисмлар ва жихозлар томонлар келишувига хамда алохида шартномага асосан амалга оширилади.

## 2. Пудратчига қўйиладиган талаблар

2.1. Геномика ва Биоинфарматика Марказига карашли Махсус Уруғчилик хўжалигида 10 сотих иссиқхона қуриш учун ташкилотнинг рухсат этиладиган сертификати ва юқори малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги.

2.2. Геномика ва Биоинфарматика Марказига карашли Махсус Уруғчилик хўжалигида 10 сотих иссиқхона қурилишида таъмирлашда мехнатни мухофаза қилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича ўкитилган ва электр хавфсизлиги бўйича малака гурухида тегишли лавозимга эга бўлган ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

2.3. "Пудратчи", ташқи ишларни (10 сотих иссиқ хонани курилишида сифатли сервис хизмати, иш якунида кўрсатилган хизматлари носоз холда бўлмаслиги, носоз хол аникланганда авто кидириш яни замонавий курилмалардан фойдаланиш таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш.) амалга ошириш учун техник курилмаларни уз хисобидан ёллаб тегишли ишларни амалга оширади.

2.4. "Пудратчи", буюртма бўйича ишларни бажариш учун мутахассисларнинг ўз вақтида Буюртмачига юборишни таъминлаш.

2.5. "Пудратчи" хар кандай ишларни сифатсиз таъмирлаган бўлса, ушбу ишлар учун зарур бўладиган материаллар ва эхтиёт қисмларни ўз маблағлари хисобидан қайта амалга ошириш.

2.6. 10сотих иссиқ хонани қурилишида замонавий асбоблар ва диагностика ускуналаридан фойдаланадиган малакали мутахассислар томонидан амалга ошириш. Барча ўлчаш асбоблари ва асбоб-ускуналар "Пудратчи"нинг мулки бўлиши шарт.

2.7. Зарур бўлганда, хавфсиз мехнат шароитларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни иш жараёнида тадбиқ қилиш.

2.8. "Пудратчи" иш вактини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек мехнат мухофазаси, ёнгин хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги қоидаларига тулиқ риоя этишни таъминлаш.

2.9. "Пудратчи" ўз ходимларини иш қуроллари, шахсий химоя воситалари, иш кийимлари, махсус жихозлар ва сарфланувчи материаллар билан таъминлаш.

## 3. Иш жойи ва вақти

3.1. "Буюртмачи"нинг Геномика ва Бионфарматика Марказига карашли Махсус Уруғчилик хўжалигида 10 сотих иссиқхона қурилиши. Тошкент вилояти Қибрай тумани Унверситет кўчаси 2-уйда жойлашган Геномика ва биоинфарматика марказига қарашли Махсус уруғчилик хўжалиги биносида амалга оширилади.

3.2. Геномика ва Бионфарматика Марказига карашли Махсус Уруғчилик хўжалигида 10 сотих иссиқхона қурилиши - Шартнома тузилган кундан бошлаб,бошланғич тўлов 30% тўланиши билан 30 иш куни давомида амалга оширилади.

3.3. 10 сотих иссикхона курилиши "Буюртмачи"нинг иш вакти давомида амалга оширилади. Иш вакти дам олиш ва байрам кунларидан ташкари, соат 9:00 дан

18:00 гача . 10 сотих иссиқ хона ишдан чиқган холатларда 10 сотих иссиқ хона тизим тўлиқ ишга тушгунга қадар таъмирлаш ишлари олиб борилади. Объектга кириш санаси ва вақти Буюртмачи билан олдиндан келишиб олинади.

3.4. Пудратчининг мутахассислари Буюртмачидан 10 сотих иссиқ хона қурилиши, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун хабарнома олинган пайтдан бошлаб куннинг исталган вақтида, шу жумладан дам олиш кунлари, таътил кунлари, байрам кунлари хамда куннинг қоронғу пайтларидан қатий назар 2 (икки) соатдан кўп бўлмаган вақтда, 10 сотих иссиқ хона қурилишида, фавқулодда ходиса яъни (авария) рўй берган холда эса 1 (бир) соат ичида етиб келишлари ва ишга туширишлари шарт.

## 4. Бошқа шартлар

4.1. Иш, байрам, дам олиш ва таътил кунларида, шунингдек, куннинг қоронгу вақтларида 10 сотих иссиқ хонага хизмат курсатиш учун "Пудратчи"нинг "Ишонч телефони" мавжудлигини таъминланиши шарт.

4.2. "Пудратчи" ишонч телефонлари 24/7 давомида ишлашини хамда камида бир киши ишонч телефонига хизмат кўрсатишини таъминлаши шарт.

4.3. Пудратчининг ишонч телефонлари рўйхатини Буюртмачига шартнома тузилгандан сўнг берилишини таъминлаш хамда телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакилларига етказилиши таъминлаш.

4.4. 10 сотих иссиқ хонада аварияни бартараф этиш юзасидан Буюртмачининг ваколатли вакилидан телефон орқали ариза (буюртма) келиб тушганда, Пудратчининг вакили объектга кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш.

4.5. 10 сотих иссиқ хонада аварияни бартараф этиш юзасидан Буюртмачининг ваколатли вакилидан телефон орқали ариза (буюртма) келиб тушганда, Пудратчининг вакили объектга кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш.

4.6. Техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш Ўзбекистан Республикаси Қонун хужжатлари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

4.7. 10 сотих иссиқ хона қурилишидаги эхтиёт қисмларини алмаштириш ишлари "Буюртмачи" томонидан эхтиёт қисмлар етказиб берилгандан сунг "Пудратчи" ва "Буюртмачи" ўртасида 10 сотих иссиқ хона қурилишидаги тузилган шартнома доирасида алмаштириш ва созлаш ишларини амалга оширади. Агар "Буюртмачи" томонидан берилган эхтиёт қисмни "Пудратчи" ўрнатиш жараёнида ишдан чиқарса, "Пудрачи" ўз хисобидан янгисига алмаштиради.

4.8. Кўрсатилган хизматларнинг натижасини қабул қилиш, кўрсатилган хизматлар учун қабул қилиш далолатномасини имзолаш орқали амалга оширилади. Пудратчи буюртмачига кўрсатилган хизматлар учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатномани ва хисоб-фактурани тақдим этади. Агар қурилган 10 сотих иссиқ хонада техник қурилиш хизмат курсатиш самарали бажарилган бўлса Буюртмачида хеч кандай шикоят бўлмаса, кўрсатилган хизматларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзоланади.

*Илова*

**Илова: ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ**

*Мазкур шартнома лойихаси дастлабки хисобланиб, унинг шартлари томонларнинг қарорига кўра қонунда белгиланган қоидаларга зид бўлмаган холда ўзгариши мумкин.*

**Шартнома №**

2022 йил ________________* Тошкент вилояти

“” (келгусида “Бажарувчи”) асосида фаолият юритувчи директор тарафдан ва Ўзбекистан Республикаси Фанлар Академяси Геномика ва биоинфарматика маркази номидан директор (келгусида “Буюртмачи”) Низом асосида фаолият юритувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома “Буюртмачи” Геномика ва Бионфарматика Марказига қарашли Махсус Уруғчилик хўжалиги худудидаги 10 сотик иссиқхона курилиши (техник топширикка мувофик) буйича тузилди.

## 2. ШАРТНОМАНИНГ СУММАСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

“Буюртмачи” худудидаги Геномика ва Бионфарматика Марказига қарашли Махсус Уруғчилик хўжалиги худудидаги 10 сотиқ иссиқхона қурилиши (техник топширикка мувофик) бўйича шартнома бахоси ҚҚС билан **457 475 743** (Тўрт юз эллик етти миллион тўрт юз етмиш минг етти юз қирк уч минг) сўмни ташкил этади.

2.1. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 (ун) иш куни давомида шартнома умумий бахосининг 30 % микдори олдиндан, колган 70 % кисми барча шартлар тулик бажарилгандан сунг далолатнома расмийлаштирилгаи кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни давомида хисоб фактурага асосан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. “Бажарувчи” хизматни уз вактида курсатмаган холда “Буюртмачи”хар бир кечиктирилган кун учун шартнома умумий бахосининг 0,5 % микдорида пеня солинади, аммо ушбу жарима шартнома бахосининг 50 %дан ошмаслиги керак.

3.2. 2.2-бандда белгиланган мажбуриятларни бузганлик учун ушбу шартнома буйича "Буюртмачи" кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов микдорининг 0.4% микдорида пеня тулайди. аммо кечиктирилган тулов пеня микдори шартнома бахосининг 50% дан ошмаслиги керак.

## 4. ФОРС-МАЖОР

4.1. Томонлар хохиш иродасидан ташкари юзага келган олдиндан билиб бўлмайдиган ва олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор холатларда томонлар мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди. Тегишли идоралар томонидан берилган маълумотнома ушбу холатларни мавжудлигини ишончли исботи хисобланади.

4.2. Форс-мажор юзаға келган холатда, шартнома мажбуриятларини бажаришни имконсиз деб топган томон, бошка томонга бу хакда форс-мажор холатлари юзага келганидан кейин 10 кундан кечиктирмай ёзма хабар килиши керак.

## 5.НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ.

5.1.Ушбу шартнома буйича ёки у билан боглик юзага келадиган барча келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар оркали хал килинади.

5.2.Томонлар келиша олмаган низолар, келишмовчиликлар Ўзбекистан Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик иктисидиёт судида хал килинади.

## 6.БОШКА ШАРТЛАР.

6.1. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, белгиланган тартибда тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган такдирдагина амалда бўлади.

6.2. Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига биноан ёки улардан бири шартнома шартларини бузган такдирда бекор килиниши мумкин.

6.3. Шартнома Узбекистан Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги ёки унинг худудий бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр кунигача амал килади.

## 7. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

**“БАЖАРУВЧИ”** **“БУЮРТМАЧИ**

| | |
|---|---|
| | |
| | |
| | |

**Харид савдо комиссия котиби:**

Кичик илмий ходим Г.Маматкулова

Геномика ва биоинфарматика маркази директорининг 2021 йил 30 апрелдаги № 50-ИБ сонли Буйруғига асосан:

**Комиссия аъзолари:**

**Харидлар савдоси комиссия раиси:**

Авазматов Т.К.

**Харидлар савдоси комиссия котиби:**

Маматқулова. Г.